УЎК 81

ЖОМИЙ ВА НАВОИЙ ИДИОСТИЛИДА ИНСОННИНГ ЗОҲИРИЙ ГЎЗАЛЛИГИНИ ИФОДАЛОВЧИ ФОРС-ТОЖИК ЛЕКСИК БИРЛИКЛАРИНИНГ ПСИХОЛИНГВИСТИК ВЕРБАЛЛАШУВИ

Чориев Таваккал Равшанович,
Бухоро давлат университети "Ўзбек тили ва адабиёти" кафедраси профессори, филология фанлари номзоди
https://orcid.org/0009-0008-4131-0335

Аннотация. *Мақолада Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий идиостилида инсон зоҳирий гўзаллигини ифодаловчи форс-тожик лексик бирликларининг психолингвистик вербаллашуви қиёсий таҳлил қилинади. Таҳлил рўй, рух, рухсор, зақан, бадан, чашм, нигоҳ, зулф, қад, қомат каби соматик-портрет бирликлари ҳамда улар билан боғлиқ ранг ва эстетик белгилар мисолида амалга оширилади. Ушбу бирликларнинг визуал идрок, селектив диққат, эмоционал баҳолаш ва маданий-поэтик ассоциациялар билан муносабати аниқланиб, ташқи белгининг поэтик-психологик маънога ўтиш механизми очиб берилади. Таҳлил натижалари Жомийда зоҳирий гўзаллик образларининг кўпроқ эстетик идрок, ҳайрат ва когнитив англашга, Навоийда эса эмоционал таъсир, мафтунлик, ҳижрон ва ишқий кечинмага йўналишини кўрсатади. Шу асосда ҳар икки шоир учун муштарак зоҳирий белги → визуал идрок → селектив диққат → эмоционал баҳолаш → ассоциация → поэтик вербаллашув модели белгиланиб, унинг индивидуал идиостилистик фаоллашуви асосланади.*

Калит сўзлар: *Жомий, Навоий, идиостиль, форс-тожик лексикаси, зоҳирий гўзаллик, соматик-портрет лексикаси, психолингвистика, вербаллашув, визуал идрок, селектив диққат, эмоционал баҳолаш, ассоциация, психосемантика, идиостилистик фарқ.*

ПСИХОЛИНГВИСТИЧЕСКАЯ ВЕРБАЛИЗАЦИЯ ПЕРСИДСКО-ТАДЖИКСКИХ ЛЕКСИЧЕСКИХ ЕДИНИЦ, ВЫРАЖАЮЩИХ ВНЕШНЮЮ КРАСОТУ ЧЕЛОВЕКА, В ИДИОСТИЛЕ ДЖАМИ И НАВОИ

Аннотация. *В статье проводится сравнительный психолингвистический анализ вербализации персидско-таджикских лексических единиц, выражающих внешнюю красоту человека в идиостиле Абдурахмана Джами и Алишера Навои. Материал исследования составляют соматические и портретные единицы, обозначающие лицо, щёки, подбородок, тело, глаза, взгляд, локоны, рост и стан, а также связанные с ними цветовые и эстетические признаки. Выявляется связь данных единиц с визуальным восприятием, селективным вниманием, эмоциональной оценкой и культурно-поэтическими ассоциациями, определяется механизм перехода внешнего признака в поэтико-психологический смысл. Сопоставительный анализ показывает, что в рассмотренных примерах Джами образы внешней красоты в большей степени актуализируют эстетическое восприятие, удивление и когнитивное осмысление, тогда как у Навои они чаще связаны с эмоциональным воздействием, восхищением, разлукой и любовным переживанием. На этой основе устанавливается общая модель внешний признак → визуальное восприятие → селективное внимание → эмоциональная оценка → ассоциация → поэтическая вербализация и раскрывается специфика её индивидуальной реализации в идиостиле обоих поэтов.*

Ключевые слова: *Джами, Навои, идиостиль, персидско-таджикская лексика, внешняя красота, соматико-портретная лексика, психолингвистика, вербализация, визуальное восприятие, селективное внимание, эмоциональная оценка, ассоциация, психосемантика, идиостилистическое различие.*

PSYCHOLINGUISTIC VERBALIZATION OF PERSIAN-TAJIK LEXICAL UNITS EXPRESSING HUMAN PHYSICAL BEAUTY IN THE IDIOSTYLES OF JAMI AND NAVOI

Abstract. *The article presents a comparative psycholinguistic analysis of Persian-Tajik lexical units verbalizing human physical beauty in the idiostyles of Abdurahman Jami and Alisher Navoi. The analysis focuses on somatic and portrait-related units denoting the face, cheeks, chin, body, eyes, gaze, curls, stature, and figure, together with associated colour and aesthetic features. Particular attention is paid to their*

relationship with visual perception, selective attention, emotional evaluation, and culturally conditioned poetic associations, as well as to the mechanism by which an external physical feature develops into a poetic and psychological meaning. The comparative analysis shows that, in the examined examples, Jami tends to associate representations of physical beauty more strongly with aesthetic perception, wonder, and cognitive comprehension, whereas Navoi more often develops them toward emotional impact, fascination, separation, and amorous experience. On this basis, the study identifies the shared model physical feature → visual perception → selective attention → emotional evaluation → association → poetic verbalization and determines its individual realization in the idiostyles of the two poets.

Keywords: *Jami, Navoi, idiostyle, Persian-Tajik vocabulary, physical beauty, somatic and portrait vocabulary, psycholinguistics, verbalization, visual perception, selective attention, emotional evaluation, association, psychosemantics, idiostylistic variation.*

Кириш. Мумтоз Шарқ шеъриятида инсоннинг зоҳирий гўзаллигини ифодаловчи рӯй/юз, рух/рухсор, чашм/кўз, абрӯ/қош, лаб, даҳон, зулф, мӯй/соч, хат, хол, қад/қомат каби лексик бирликлар портрет тасвири билан чекланмай, эстетик, эмоционал ва ассоциатив мазмун касб этади. Улар лирик субъектнинг ташқи белгини қандай идрок этиши, қайси деталга диққат қаратиши, уни қандай баҳолаши ва қандай поэтик образлар билан боғлашини ҳам ифодалайди. Шу жиҳатдан мазкур лексик қатламни идрок, диққат, ҳиссиёт, ассоциация ва вербаллашув муносабатида ўрганиш психолингвистик аҳамиятга эга.

Жомий ва Навоий ижодининг муштарак мумтоз поэтик анъанага мансублиги зоҳирий гўзаллик лексикасини қиёсий таҳлил қилиш учун муҳим асос яратади. Бир хил ёки функционал жиҳатдан яқин соматик бирликлар ҳар икки шоирда қўлланса-да, уларнинг ассоциатив йўналиши ва лирик субъект психологияси билан муносабатида идиостилистик фарқлар кузатилади.

Психолингвистик нуқтаи назардан мазкур жараённи шартли равишда зоҳирий белги → визуал идрок → селектив диққат → эмоционал баҳолаш → ассоциация → поэтик вербаллашув модели орқали изоҳлаш мумкин. Бунда соматик лексема ташқи белги номидан эстетик-баҳоловчи, метафорик ва рамзий маъноларга ўтиб, психосемантик бирликка айланади.

Тадқиқотнинг мақсади – Жомий ва Навоий идиостилида инсон зоҳирий гўзаллигини ифодаловчи форс-тожик лексик бирликларининг психолингвистик вербаллашув механизмларини аниқлаш ҳамда уларнинг визуал идрок, эмоционал баҳолаш ва ассоциатив тафаккур билан муносабатидаги умумий ва индивидуал хусусиятларни белгилаш.

Адабиётлар шарҳи. Жомий ва Навоий идиостилида инсон зоҳирий гўзаллигини ифодаловчи лексик бирликларни психолингвистик жиҳатдан ўрганиш мумтоз шеърият поэтикаси, психосемантика, лисоний идрок ва ассоциатив тилшунослик соҳаларида шаклланган назарий қарашларга таянади.

Ўзбек тилшунослигида психолингвистик ёндашувнинг турли жиҳатлари И. Азимова [1], Д. Лутфуллаева [2], Н. Хошимова [3], М. Ҳакимов [4] каби олимлар тадқиқотларида ёритилган.

И. Азимова матн мазмуний перцепциясининг психолингвистик хусусиятларини ўрганиб, лисоний ахборотни идрок этиш ва мазмунни англаш жараёнларига эътибор қаратади. Бу ёндашув зоҳирий гўзалликни ифодаловчи соматик белгиларнинг лирик субъект томонидан визуал қабул қилиниши ва поэтик маъно касб этишини тушунтиришда методологик аҳамиятга эга.

М. Ҳакимов ва С. Қурбонова ишларида психолингвистиканинг назарий муаммолари, психолингвистик бирликларнинг хусусиятлари ҳамда бадиий матнни психолингвистик таҳлил қилиш масалалари ёритилган. С. Қурбонованинг бадиий матнда шахс хусусиятларини ифодалашга оид тадқиқотлари лисоний бирликларни шахснинг ички психологик ҳолати билан боғлиқ ҳолда таҳлил қилиш зарурлигини кўрсатади. Шу жиҳатдан мазкур қарашлар Жомий ва Навоий байтларида соматик-портрет лексикасининг лирик субъект эмоционал ҳолатини ифодалаш вазифасини аниқлашга назарий асос бўлади.

Д. Лутфуллаева ўзбек тилшунослигида ассоциатив ёндашувнинг назарий асосларини ишлаб чиқиб, лисоний бирликлар ўртасидаги ассоциатив муносабатларни тил ва тафаккур алоқаси асосида тадқиқ этади. Н. Хошимова эса ўзбек тилидаги ассоциатив муносабатларни махсус тадқиқот объекти сифатида ўрганган. Ушбу назарий қарашлар Жомий ва Навоий поэтик матнларида кузатиладиган рух → хуршед/гул, қад/қомат → сарв, зулф → силсила, рухсор → май/хун каби муносабатларни ассоциатив-психосемантик механизм сифатида изоҳлаш имконини беради.

Хорижий тадқиқотлардан Жули Скотт Мейсами [8; 9]мумтоз форс шеъриятида анъанавий образ ва метафораларнинг семантик-эстетик вазифаларини, Золтан Кёвечес [10] эса метафорик

концептуаллашув, жисмоний тажриба, маданий вариативлик ва эмоция муносабатларини назарий жиҳатдан асослаган. Мазкур қарашлар мумтоз поэтик образларнинг маданий кодини ва соматик белгиларнинг метафорик-ассоциатив қайта ишланишини тушунтиришда муҳим методологик манба вазифасини бажаради.

Шундай қилиб, мавжуд тадқиқотларда матнни идрок этиш, руҳий ҳолатнинг лисоний ифодаси, психосемантик ва ассоциатив муносабатлар ҳамда поэтик метафоранинг когнитив хусусиятлари алоҳида йўналишларда ўрганилган. Бироқ Жомий ва Навоий идиостилида инсон зоҳирий гўзаллигини ифодаловчи лексик бирликларни визуал идрок → селектив диққат → эмоционал баҳолаш → ассоциация → поэтик вербаллашув муносабатида қиёсий тадқиқ этиш махсус ўрганилмаган. Мазкур мақоланинг тадқиқот йўналиши ана шу масалани қиёсий-психолингвистик нуқтаи назардан ёритишга қаратилган.

Тадқиқот методлари. Тадқиқотда тавсифий, психолингвистик, контекстуал-семантик, қиёсий-чоғиштирма ва лингвопоэтик таҳлил методлари комплекс тарзда қўлланилди.

Тавсифий ва контекстуал-семантик методлар воситасида Жомий ва Навоий шеъриятида инсон зоҳирий гўзаллигини ифодаловчи рӯй, рух, рухсор, зақан, бадан, чашм, нигоҳ, зулф, қад, қомат каби соматик-портрет бирликлари ажратилиб, уларнинг муайян поэтик контекстдаги семантик хусусиятлари аниқланди.

Психолингвистик таҳлил орқали ташқи белгининг лирик субъект томонидан идрок қилиниши, диққат марказига олиниши, эмоционал баҳоланиши ва ассоциатив қайта ишланиб поэтик образ сифатида вербаллашуви ўрганилди. Таҳлил жараёнида зоҳирий белги → визуал идрок → селектив диққат → эмоционал баҳолаш → маданий-поэтик ассоциация → поэтик вербаллашув модели асосий таҳлилий мезон сифатида қабул қилинди.

Қиёсий-чоғиштирма метод Жомий ва Навоийда муштарак ёки функционал жиҳатдан яқин соматик-портрет бирликларининг семантик, ассоциатив ва психоэмоционал фаоллашувини қиёслашга хизмат қилди. Бу усул орқали бир хил поэтик белгининг ҳар икки шоир идиостилида турлича концептуал ва эмоционал натижа ҳосил қилиши аниқланди.

Лингвопоэтик таҳлил мазкур лексемаларнинг метафорик ва рамзий образлар таркибидаги бадиий-эстетик вазифасини, шунингдек, рух → хуршед/гул, қад/қомат → сарв, зулф → силсила, рухсор → май/хун каби ассоциатив муносабатларни очиб беришда қўлланилди.

Методларнинг комплекс қўлланилиши зоҳирий гўзаллик лексикасини ташқи қиёфанинг оддий номинацияси сифатида эмас, балки визуал идрок, эмоционал баҳолаш, ассоциатив тафаккур ва поэтик вербаллашувни бирлаштирувчи психосемантик тизим сифатида таҳлил қилиш имконини берди.

Натижа ва муҳокама. Жомий ва Навоий шеъриятидаги соматик-портрет лексемалар муштарак мумтоз поэтик кодга мансуб. Шу сабабли идиостилистик фарқни лексемаларнинг мавжудлиги билан эмас, балки уларнинг семантик ҳамнишини, ассоциатив йўналиши, эмоционал таъсири ва концептуал натижаси орқали белгилаш мақсадга мувофиқ.

Жомий байтларида

Симинзақано, сангдило, лолаузоро,

Хуш кун ба нигоҳе дили ғампарвари моро [11, 19].

Симинзақан ва лолаузор оқлик ва қизиллик белгилари орқали маъшуқа ҳуснини визуаллаштирса, сангдил ташқи гўзаллик билан ички бераҳмлик ўртасида психологик контраст ҳосил қилади. Нигоҳ эса ошиқнинг «ғампарвар дили» ҳолатини ўзгартирувчи эмоционал стимулдир: ҳусн → нигоҳ → эмоционал таъсир → дил ҳолатининг ўзгариши.

Чанд сӯйи чаман оям ба ҳавоят чу сабо,

Як раҳ, ай сарви саҳӣ, қомати раъно бинамо [11, 11].

Қомати раъно селектив визуал диққат объектига айланади. Қомат → сарв муносабати мутаносиблик ва назокатнинг маданий-поэтик эталонини фаоллаштирса, бинамо («кўрсат») феъли гўзалликка интилишни кўриш эҳтиёжи сифатида ифодалайди: қомат → сарв → визуал диққат → эстетик мафтунлик.

Дилам аз партави хуршеди рухат қандилест,

Аз сари зулфи ту овехта бо силсилаҳо [11, 15].

Байтда рух → хуршед → партав ёруғлик ва нурни, зулф → силсила боғланишни фаоллаштиради. Дилнинг қандил сифатида образланиши ташқи портрет деталларининг лирик субъект ички оламига кўчганини кўрсатади: рух → нур; зулф → силсила; дил → қандил.

Ақлро равшан шавад моҳияти ҳуснат, агар

Пардаи ҳайрат набандад дидаи идрокро [11, 24].

Бу байтда ҳусн, ҳайрат, идрок, ақл бир семантик занжирда бирлашади. «Пардаи ҳайрат» метафораси кучли эстетик таассуротнинг рационал англашга таъсирини ифодалайди. Демак, гўзаллик ҳиссий объект бўлиш билан бирга когнитив англаш предметига ҳам айланади: ҳусн → эмоционал таъсир → ҳайрат → идрок → англаш.

Сияҳрӯ хондиям в-он мӯҷиби сад сурхрӯйӣ шуд,

Сари мӯе агар гӯям хато, рӯям сияҳ бодо! [11, 32].

Сияҳрӯ – сурхрӯйӣ муносабатида ранг семантикаси психологик баҳога кўчади. Салбий мазмундаги сияҳрӯ маъшуқа томонидан айтилгани сабабли ошиқ онгида ижобий қиймат касб этади. Бу эмоционал-когнитив қайта баҳолаш механизмини намоён этади.

Навоий байтларида

Бо ҳар кас, эй симинбадан, манмой рӯйи хештан,

Бояд чу чашми поки ман, з-он сон ҷамоли покро [13, 13].

Симинбадан, рӯй, чашм, жамол бирликлари ягона перцептив майдонни ташкил этади. Жамоли пок – идрок объекти, чашми пок эса уни қабул қилувчи восита. Шу тариқа кўриш оддий физиологик жараёндан селектив ва қадриятли идрок даражасига кўтарилади: жамол → чашм → селектив идрок → субъектив қадрлаш.

Рухаш дар нозукӣ барбод дода сафҳаи гулро,

Қадаш дар чобукӣ бар хок шонда сарви раъноро [13, 19].

Рух → гул, қад → сарв муносабатлари маданий хотирадаги эстетик эталонларни фаоллаштиради. Маъшуқа гўзаллигининг гул ва сарвдан устун қўйилиши эса кучли субъектив баҳони кўрсатади: ташқи белги → эстетик эталон → қиёс → устун баҳолаш.

Эй, аз баҳори ҳусни ту бар чеҳраам гулзорҳо,

Дар чеҳра з-он гулзорҳо дорам халида хорҳо [13, 36].

Баҳори ҳусн – гулзор – хор муносабати эстетик таассуротнинг оғриқли кечинмага айланишини ифодалайди. Гулзор гўзаллик ва тароватни, хор эса оғриқни фаоллаштиради: ҳусн → жозиба → эмоционал таъсир → ишқий изтироб.

Аз ҳумрати рухсор кай битвон шудан ҳамранги вай,

Моро ба хун, ӯро ба май, чун ранг шуд рухсорҳо [13, 36].

Рухсорнинг қизиллиги маъшуқа учун май, ошиқ учун хун ассоциациясини ҳосил қилади. Бир хил перцептив белги субъектнинг эмоционал ҳолатига кўра турлича психосемантик қиймат касб этади: қизиллик → май / хун → жозиба / изтироб.

Бе қадди ту дар бӯстон ҳар шох, ки барг аст,

Морест маро к-аз вай овехта ақрабҳо [13, 37].

Маъшуқа қадининг йўқлигида бўстон шохларининг мор, унинг деталларининг ақраб сифатида идрок қилиниши ҳижроннинг ташқи воқелик перцепциясига таъсирини кўрсатади: ҳижрон → салбий эмоционал фон → перцептив қайта баҳолаш → салбий образ.

1- жадвал.

ҚИЁСИЙ-ПСИХОЛИНГВИСТИК ХУСУСИЯТЛАР		
Лексик-поэтик белги	**Жомийда**	**Навоийда**
Рӯй / рух / рухсор	нур → ҳусн → идрок → маъно	гул/ранг → жозиба → кечинма
Чашм / нигоҳ	эмоционал таъсир → дил ҳолати	селектив идрок → субъектив қадрлаш
Қад / қомат	сарв → визуал диққат → эстетик баҳо	сарв → қиёс; йўқлик → ҳижрон
Ранг	сияҳ/сурх → когнитив қайта баҳолаш	май/хун → жозиба/изтироб
Устувор натижа	эстетик-когнитив англаш	эмоционал-психологик кечинма

Қиёс шуни кўрсатадики, Жомийнинг келтирилган байтларида ташқи белги кўпроқ визуал идрок → ҳайрат → когнитив англаш, Навоийда эса визуал идрок → эмоционал таъсир → ишқий кечинма йўналишида фаоллашади. Бу фарқ қатъий бинар оппозиция эмас, балки таҳлил қилинган материалдаги устувор психосемантик тенденциядир.

Илмий натижалар. Зоҳирий гўзалликни ифодаловчи соматик-портрет бирликлари ҳусн/жамол концептуал маркази атрофида бирлашиб, ўзаро боғланган визуал-психосемантик тизимни ҳосил қилади.

Соматик белгининг поэтик маънога ўтиши визуал идрок → селектив диққат → эмоционал баҳолаш → маданий-поэтик ассоциация → вербаллашув босқичлари орқали амалга ошади. Қомат → сарв, рух → хуршед/гул муносабатлари маданий хотирадаги эстетик эталонларнинг фаоллашувини кўрсатади.

Эмоционал ҳолат ташқи белгининг психосемантик қийматини ўзгартиради. Жомийда сияҳрӯ → сурхрӯйӣ, Навоийда рухсор → май/хун ва шох → мор муносабатлари бунга далил бўлади.

Идиостилистик фарқ соматик лексемаларнинг ўзида эмас, уларнинг психосемантик фаоллашувида кўринади: Жомийда идрок – ҳайрат – англаш, Навоийда идрок – эмоционал таъсир – кечинма муносабати нисбатан устувор.

Портрет лексикаси ташқи қиёфани тасвирлаш билан бирга лирик субъектнинг эмоционал ҳолати, ассоциатив хотираси ва субъектив баҳосини ҳам вербаллаштиради.

Хулоса. Жомий ва Навоий идиостилида зоҳирий гўзалликни ифодаловчи лексик фонд муштарак поэтик анъанага таянса-да, унинг психолингвистик фаоллашуви индивидуал хусусият касб этади. Таҳлил қилинган байтларда Жомий учун «образдан идрок ва маънога», Навоий учун эса «образдан эмоционал кечинмага» йўналиши нисбатан характерли.

Демак, икки шоир идиостилини фарқловчи асосий мезон лексеманинг ўзи эмас, балки унинг семантик муҳити, ассоциатив йўналиши, психологик реакцияси ва концептуал натижасидир. Мазкур фарқ мутлақ қарама-қаршилик эмас, балки ҳар икки шоир поэтик тафаккуридаги устувор психосемантик тенденция сифатида баҳоланади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Азимова И. Ўзбек тилидаги газета матнлари мазмуний перцепциясининг психолингвистик тадқиқи: филол. фан. номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – 26 б.

2. Лутфуллаева Д. Ассоциатив тилшунослик назарияси: монография. – Тошкент: Meriyus, 2017. – 140 б.

3. Хошимова Н. Ўзбек тилида ассоциатив муносабатлар: филология фанлари бўйича фалсафа доктори диссертацияси автореферати. – Фарғона, 2018. – 45 б.

4. Ҳакимов М., Қурбонова С. Психолингвистиканинг ўрганиш муаммолари // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2014. – № 5. – Б. 72–74.

5. Ҳакимов М., Қурбонова С. Психолингвистик бирликларнинг назарий асослари // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2015. – № 2. – Б. 34–40.

6. Лутфуллаева Д., Солиева Ф. Ўзбек тилида лексик ассоциацияларнинг ҳосил бўлиши // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2016. – № 3. – Б. 35–40.

7. Ортиқова Ҳ. Бадиий матннинг ассоциатив тадқиқи: филология фанлари бўйича PhD диссертацияси. – Тошкент, 2022.

8. Meisami Julie Scott. Medieval Persian Court Poetry. Princeton, NJ: Princeton University Press, 1987. – 345 б.

9. Meisami Julie Scott. Structure and Meaning in Medieval Arabic and Persian Lyric Poetry: Orient Pearls. London/New York: Routledge, 2003. – 528 б.

10. Kövecses Zoltán. Metaphor: A Practical Introduction. 2nd ed. Oxford/New York: Oxford University Press, 2010. – 375 б.

11. Абдураҳмони Ҷомӣ. Мунтахаби ғазалиёт // Ахтарони адаб: силсила иборат аз 50 ҷилд. – Ҷ. 31. – Душанбе: Адиб, 2016. – 480 с.

12. Абдураҳмон Жомий. Муҳаббат махзани: ғазаллар, таржиъбанд, мураббаъ, қитъалар, рубоийлар / М. Кенжабек таҳрири остида; тузувчилар: Н. Жаббор, Э. Очилов, С. Саййид, Ғ. Мажид. – Тошкент: Тасвир, 2018. – 888 б.

13. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами: йигирма томлик. Ўн саккизинчи том. Девони Фоний. – Тошкент: Фан, 2002. – 304 б.

14. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами: йигирма томлик. Ўн тўққизинчи том. Девони Фоний (давоми). – Тошкент: Фан, 2002. – 330 б.

15. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами: йигирма томлик. Йигирманчи том. Девони Фоний. Қасидалар. Муфрадот. Иловалар. – Тошкент: Фан, 2003. – 454 б.

16. Навоий асарлари луғати / тузувчилар: П. Шамсиев, С. Иброҳимов; С. Муталлибов таҳрири остида. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. – 784 б.

17. Нуров Амон. Фарҳанги осори Ҷомӣ. Иборат аз ду ҷилд. Ҷилди I. А–О. Бештар аз 15 ҳазор калимаю ибора / муҳаррирон: В. А. Капранов, А. Афсаҳзода. – Душанбе: Сарредаксияи илмии Энсиклопедияи тоҷик, 1983. – 536 с.

18. Нуров Амон. Фарҳанги осори Ҷомӣ. Иборат аз ду ҷилд. Ҷилди II. П–Я. Бештар аз 15 ҳазор калимаю ибора / муҳаррирон: В. А. Капранов, А. Афсаҳзода. – Душанбе: Сарредаксияи илмии Энсиклопедияи тоҷик, 1984. – 608 с.